



1844 йилда сэр Дэвид Брюстер Кингуди, Милнфилд (Шотландия)даги кондан олинган кумтош блокада мих топилганини маълум килди. Британ геология хизмати ходими доктор А. Медд 1985 йилда бу тошни «кизил девон кумтоши» деб таснифлаган ва унинг ёши 360–408 миллион йил эканини айтган. Брюстер машхур шотланд физиги бўлиб, Британия илмий тараккиёт уюшмасининг асосчиси ва оптика соҳасида бир канча муҳим кашфиётларни амалга оширган.

Брюстер ўз маърузасида шундай ёзади: «Кингуди конларидаги тош катламлари кўпол говак кумтош ва юмшок гил катламларидан иборат бўлиб, уларнинг калинлиги 15 см дан 1,8 м гача бўлган. Мих топилган плита 22,5 см калинликка эга эди. Плита юзаси шлифовка қилиш учун тозаланганида, 1,3 см чиқиб турган, занг билан қопланган мих учи кўринди. Михнинг ўзи тош юзасида горизонтал ҳолатда ётар, унинг қаллаги эса 2,5 см тош ичига сингиб кетган эди». Қаллак тошга ўрнашгани учун мих тош қазиб олинганидан кейин киритилган бўлиши мумкин эмас.